

International Finance and Accounting

Volume 2019 | Issue 2

Article 24

4-1-2019

PROBLEMS AND TRENDS OF FOOD INDUSTRY PRODUCTION IN UZBEKISTAN

N. Saidakhmedova

Jizzakh Pedagogical institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Saidakhmedova, N. (2019) "PROBLEMS AND TRENDS OF FOOD INDUSTRY PRODUCTION IN UZBEKISTAN,"

International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

PROBLEMS AND TRENDS OF FOOD INDUSTRY PRODUCTION IN UZBEKISTAN

In article the problem of food security which is considered as a global problem now is considered. Also the undertaken reforms in the food industry and its practical results, the changing trends and the practical analysis in the country for the solution of this problem are described.

Key words: food safety, food problems, declaration of Rome, organization of a provodolstv and rural farms.

The issue of food security in the country is directly related to the socioeconomic situation, natural and economic potential, the solvency of the state and separate indigenous peoples, the dependence of the national market on imports, the rational use of agricultural production and land resources, factors dependent on the In this regard, providing food security in the country is an important and timely strategic issue in economic policy. Ensuring food security, on the one hand, is one of the macroeconomic problems associated with the intensification of agricultural production, on the one hand, the efficiency of social production and the growth of the population's income. Therefore, it is necessary to take into account the state control with the market mechanisms in the solution of problems. From this point of view, the most important task of today is to analyze the methods and techniques of forming a food security system and the factors affecting hierarchical levels, and to develop national and regional assessment criteria.

The moon is a very important aspect of the motivation and accuracy of the mechanisms to clear the mechanisms, and the global significance of the goods is to be avoided. Needless to say, the mainstream country has not been able to compete with the drought-stricken agriculture. Tactical and spatial development is the first step in the development of a nation-wide and powerful framework of guidelines and action-oriented reforms. This is a real truth that is known as the Kopagin country. Finally, the economy is diversified and our country provides a wide range of agricultural activities. From the junta, the population is vulnerable to deliberate use of precautionary measures, followed by the UNHCR, the Republic of Uzbekistan, and the world's 64-member world-class group of drug-based adventurers.

During the reporting period, the Republic of Tajikistan has a number of private companies operating in Uzbekistan and Uzbekistan, Exceptions (43.2%) are in jurisprudence. The Republic of Uzbekistan is independent of industrialization, with the aim of reforming the industry industry, developing trade and industry standards, and the production of industrial products in the industrial sector in the 1990s was 14.2% in 2016 and 22.0%. In 2018, the State was considered as a statistical figure for the country's population, with a population of 12.3 million, and the latitude of the marginalized marginal population was

approximately 3,3%. As a matter of fact, the economy is rapidly growing due to the rapid economic growth of the economy.

Economicalization of all sorts of slaughtered PFAs totaled 88.8% of the total aggregate distribution and 5,1%. The product was made up of 11.2 per cent of the annual EMS production and 5,5 per cent registered. Food is the product of manufacturing products, tobacco products and tobacco products by 17,0%, minerals, tobacco, and tobacco products - 16,1%, rubber, plastics, and non-metallic mineral products - 11.3% , 9.2%, motor vehicles, trailers, snowmobiles, 7,4%, electric motors - 3.5% and spare parts for industrial production Multiplier - 11.0% of the total score.

According to the State Statistics Committee, the per capita GDP amounted to 12.3 million soums, which is 3.3% higher than in the corresponding period of the previous year. The Committee notes that the rate of economic growth is linked to the positive dynamics observed in key sectors of the economy. Gross added value in all sectors of the economy amounted to 88.8% of the total GDP and increased by 5.1%. The share of net taxes on products in the GDP amounted to 11.2% and increased by 5.5%. Production of foodstuffs, beverages and tobacco products increased by 17.0%, textile products, clothing, leather and related products - by 16.1%, rubber, plastics and other non-metallic mineral products - 11.3% , chemical products - 9.2%, motor vehicles, trailers, semi trailers and other transport equipment - 7.4%, electrical equipment - 3.5%, and other products of the manufacturing (manufacturing) industry production - 11.0%.

A number of efforts are being made to form a modern economy and to provide agriculture in our country. Thus, as a result of the efforts to provide the population with food, a study conducted by the US Research Center found that Uzbekistan ranked 64th in the world in the food security ranking. Implementation of the Program on Additional Measures for the Development of Fruit and Vegetable Processing and Processing Services for 2017-2018 will increase the volume of processing of fruits and vegetables by 340 thousand tons, refrigerated capacity - up to 164.9 thousand tons, packaging products increased production by 32.4 million units. As a result, the share of processing of fruits and vegetables in the republic in 2019 will make 24%, and the creation of 4,600 new jobs. Also in the period from 2017 to 2021 the production of foodstuffs in agricultural production on average will increase by 1.4 times, including fruit and vegetables - 1.4 times, meat - by 1.3 times, milk - 1.5 times.

It is desirable to take the following measures to address the food needs of the modern economy:

- To develop production sectors to ensure food security, thereby reducing product cost, maintaining the pricing and quality of imported goods for national products;

- Determining the economic and social efficiency of the introduction of new technologies and technologies for introducing innovative technology into the agricultural sector, and identifying which of the technical measures to achieve high

levels of food production based on the introduction of new techniques and technologies;

- Provision of the parties' interest in controlling and improving the quality and competitiveness of products through aggregation of agricultural products through agroklaster production - storage - processing - sale of technological processes into a single integration system;

- Ensuring a positive balance between foreign trade policy and volumes of exports and imports of foodstuffs, as well as other strategic sectors, enhances the country's reliability on external pressures; on the other hand, the country maintains its national food security capability in the context of adverse market conditions available.

(Full article is available in Uzbek)

**Саидахмедова Нодира Илхомовна
ЖизПИ мустақил тадқиқотчи, и.ф.н., доцент**

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Мақолада бугунги кунда глобал муаммолардан саналган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосига бағишланган. Шунингдек, мазкур масала муаммосини таъминлаш бўйича республикамизда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳамда унинг амалий натижалари, ўзгариш тенденциялари ва амалий таҳлиллари ёритилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат муаммоси, Рим декларацияси, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти.

ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ ПРОИЗВОДСТВА ПРОМЫШЛЕННЫХ ТОВАРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье рассматривается проблема продовольственной безопасности, которая сейчас рассматривается как глобальная проблема. Также описываются проводимые реформы в пищевой промышленности и ее практические результаты, меняющиеся тенденции и практический анализ в стране для решения этой проблемы.

Ключевые слова: продовольственные безопасность, продовольственные проблемы, декларация Рима, организация продовольства и сельское хозяйства.

Кириш

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ижти-мойи-иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳият, давлат ва алоҳида худулар

аҳолисининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга қарамлик даражаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агросаноат мажмуасининг ривожланиши каби бевосита таъсир этувчи омилларга узвий боғлиқ. Мана шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлигини мамлакатда таъминлаш иқтисодий сиёсатдаги муҳим ва долзарб стратегик аҳамиятга эга. Чунки мазкур масаланинг муҳимлиги иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ва давлат мустақиллигининг асосий шартларидан биридир.

Бу борда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “...қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир”[1]. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бир томондан, агросаноат ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, иккинчи томондан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли даромадларини ошириш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун муаммолар ечимини ишлаб чиқишда бозор механизмлари билан биргаликда давлат назоратини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантириш-нинг усул ва услубиётини ва турли иерархик даражаларда таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, миллий ва минтақавий жиҳатдан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бўйича қатор МДХ иқтисодчи олимлари томонидан кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги меъёрий ҳаёт тарзини ўтказиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолининг асосий қисмини таъминлаш даражасини билдириши, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни соғлиқ учун безарарлигини таъминлаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган талабини муайян даврда истъеъмол ва захираларни яратиш асосида қондирилиши, мамлакат фуқароларини ҳаётий зарур ва фойдали озуқа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини керакли ҳажм ва ассортиментда ўз манбалари орқали таъминлаши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади [2]. Бошқа МДХ иқтисодчи олимлари эса минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги минтақа даражасида ҳал қилинадиган вазифаларга, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд салоҳият ва имкониятларга, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш ва импортга қарамликни камайтиришга боғлиқлигини кўрсатишади[3]. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Х.П.Абулқосимов ва Т.С.Расуловларнинг тадқиқотларида, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди[4].


Америкалик иқтисодчи олимлардан Д.Конуэй ва Э.Барберлар “ҳар қандай шароитда мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат истеъмоли билан таъминлаш, уларнинг фаол турмуш тарзини кафолатлайди” деб кўрсатишади [5].

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг аниқ дастурамал механизмларини ишлаб чиқиш муҳим ва глобал аҳамиятга молик масалалар сирасига киради. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатдаги асосий тармоқлардан саналган қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан бунга эришиб бўлмайди. Тармоқ ва соҳанинг ривожланиши, энг аввало, давлат томонидан шу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича бажарилаётган дастурлардан ва амалга оширилаётган ислохотлар натижасигина унинг даражасини белгилаб беради. Бу кўпгина мамлакатлар тажрибасидан аён бўлган реал ҳақиқатдир [6].

Замонавий иқтисодиётни шакллантириш ва мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини озиқ-овқат истеъмоли билан таъминлаш бўйича олиб борилган саъй ҳаракатлар натижасида АҚШнинг изланишлар маркази ўтказган тадқиқотга кўра, Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингига дунёда 64-ўринни эгаллади [7].

Ҳозирги даврда республика озиқ-овқат саноати «Ўзбекизоқиқовқат-холдинг» холдинг компанияси (тармоқ ялпи маҳсулотигаги улуши 33,4%) «Ўздонмаҳсулот» (14,5%) ва «Ўзвиносаноат-холдинг» (8,9%) компаниялари ҳамда хусусий корхоналар ва бошқа хўжалик юритиш субъектлари (43,2 %) фаолият юритмоқда (қаранг: 1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати таркиби [8].

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби саноат тармоқларини ислоҳ қилиш,

таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари ялпи ҳажмида озиқ-овқат саноатининг улуши 1990 йилдаги 14,2%дан 2016 йилда 22,0 %га ўсди (қаранг: 1-жадвал).

2018 йил якунлари бўйича, Давлат статистика [хабарига](#) кўра, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 12,3 млн сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 фоизга юқори. Кўмитадан таъкидлашларича, иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 88,8 фоизини ташкил этди ва 5,1 фоизга ўсди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 11,2 фоизни ташкил этди ва 5,5 фоиз даражасида ўсиш қайд этилди. Озиқ овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 17,0%, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш - 16,1%, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш - 11,3%, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 9,2%, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим притсеplar ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш - 7,4%, электр ускуналар ишлаб чиқариш - 3,5% ва ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 11,0%ни ташкил қилди[9].

1-жадвал

1990-2016 йилларда Ўзбекистон саноати таркибий ўзгаришлар динамикаси, (%яқунига нисбатан %ҳисобида) [10]

Кўрсаткичлар	1990й	2000й.	2005й	2010й	2015й	2016й
Саноат жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан						
Ёқилғи-энергетика	8,8	23,8	27,5	27,9	20,0	18,0
Қора ва рангли металлургия	4,5	11,4	19,4	13,3	11,0	11,0
Кимё ва нефть кимёси	7,6	5,5	5,2	5,1	5,0	7,0
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	16,0	9,9	13,0	16,1	14,0	10,0
Қурилиш материаллари саноати	5,2	5,4	3,6	4,9	5,0	6,0
Енгил саноат	37,6	19,1	16,6	13,3	16,0	16,0
Озиқ-овқат саноати	14,2	13,3	8,2	12,8	20,0	22,0
Другие	6,1	11,4	6,5	5,6	7,0	8,0

Мустақиллик йилларида саноатда ҳам истеъмол моллари, шу жумладан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўсди. 2005-2017 йилларда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

15,2 баробарга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 16,5 баробарга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 14,4 баробарга, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш ҳажми эса 12,9 баробарга ўсди (2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил даврида истеъмол моллари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 39,6 %дан 45,2 % га ўсгани ҳолда ноозиқ овқат маҳсулотлари улуши 57,0%дан 54,8%га, вино-ароқ маҳсулотлари ва пивонинг улуши 3,4% дан 2,9 % га камайди.

2-жадвал

**Ўзбекистон саноатида истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(амалдаги нархларда)[11]**

Кўрсаткичлар	2005 йил		2010 йил		2017 йил	
	Млрд сўм	Жами га %да	Млрд сўм	Жамига %да	Млрд. сўм	Жами га %да
Жами истеъмол моллари	2771.0	100.0	10847,0	100.0	56159,4	100.0
Шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1097,9	39,6	3817,5	35,2	24200,8	43,1
Вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво	93,7	3,4	502,8	4,6	1207,3	2,1
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	1579,4	57,0	6526,7	60,2	30751,3	54,8

2017 йилда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 2,7 фоизга ўсган. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 6,5% фоизга ўсгани ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,4%га камайган[12].

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, 2016 йилда 1995 йилга нисбатан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 мартага, макарон маҳсулотлари 5,3 мартага, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 5,3 сут ва сут маҳсулотлари 2,7 мартадан зиёдга ошган. 2016 йилда 2000 йилга нисбатан эса қанд-шакар ишлаб чиқариш ҳажми 52,4 мартага, колбаса маҳсулотлари 14,8 мартага, алкогольсиз ичимликлар 3,8 мартадан зиёдга, қандолат маҳсулотлари 1,9 баробарга ўсди. Таҳлил даврида ўсимлик ёғи ва ош тузи ишлаб чиқариш ҳажмлари камайди. Бу ҳол мазкур турдаги маҳсулотлар импортининг ошганлиги билан изоҳланади.

3-жадвал

**Ўзбекистон саноатида озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб
чиқариш динамикаси[13]**

Кўрсаткичлар	1995 й	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2016 й
Нон ва нон маҳсулотлари, минг тонна.	598,3	843,4	651,4	912,9	1269,9	1575,3
Ун, минг тонна.	1781,8	1726,7	1576,2	1579,8	2062,3	2268,2
ёрма, минг тонна.	201,2	77,8	36,8	20,5	36,9	43,3

Макорон маҳсулотлари минг тонна.	23,4	83,3	50,1	57,4	125,7	125,0
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, минг тонна.	65,7	127,1	152,7	178,5	283,3	287,2
Колбаса маҳсулотлари, тонна	и/ч маган	2942,0	3 667,0	23863,2	36431,1	43554,6
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тонна.	197,0	182,4	250,6	307,2	464,5	546,3
Ўсимлик ёғи, минг тонна.	340,5	245,9	216,7	244,2	223,1	223,6
Мол ёғи, минг тонна.	10,4	2,2	1,7	5,2	11,5	13,1
Қандолат маҳсулотлари, минг тонна.	и/ч маган	57,5	32,0	36,3	93,7	113,6
Маргарин маҳсулотлари, минг тонна.	24,8	22,4	21,3	16,2	27,1	33,8
Қанд-шакар, минг тонна.	и/ч маган	10,2	146,4	286,1	500,4	535,0
Табиий чой, минг тонна.	11,6	1,0	8,4	21,1	26,2	32,6
Ош тузи, минг тонна.	103,6	28,4	52,1	58,7	74,0	69,3
Арок, ликер-арок маҳсулотлари, млн долл.	4,6	7,2	6,8	11,7	15,1	15,4
Алькоголсиз ичимликлар, млн. долл.	и/ч маган	17,5	7,5	43,0	61,1	66,8

Озиқ-овқат саноатида энг муҳим муаммолардан бири қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ҳамон паст эканлиги ҳисобланади. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш улуши (даражаси) 2012 йилдаги 13,3% дан 2016 йилда 17,8% га, гўштни қайта ишлаш улуши 6,9%дан 12,0%га, сутни қайта ишлаш улуши эса 9,8% дан 14,1% га ўсди (қаранг: 4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш улушлари (%да) [14]

Ҳудудлар	Мева-сабзавотни қайта ишлаш			Гўштни қайта ишлаш			Сутни қайта ишлаш		
	йиллар			йиллар			йиллар		
	2012 й.	2016 й.	%	2012 й	2016й	%	2012й	2016й	%
Қорақалпоғистон Республикаси	2,8	5,9	207,6	3,2	7,2	225,5	13,9	15,6	112,4
Андижон вилояти	2,1	12,2	587,0	11,3	17,3	153,6	11,0	14,6	133,0
Бухоро вилояти	8,7	13,8	158,4	5,7	10,8	190,2	8,2	12,9	156,8
Жиззах вилояти	9,7	10,7	109,7	5,2	10,0	192,6	9,5	13,3	139,6
Қашқадарё вилояти	19,5	20,6	105,9	4,6	10,9	237,5	8,7	14,3	164,0
Навоий вилояти	8,3	10,9	132,4	3,6	8,3	232,8	7,2	8,7	122,0

Наманган вилояти	17,0	19,8	116,5	3,9	8,6	217,4	18,4	22,9	124,2
Самарқанд вилояти	24,5	30,2	123,2	5,4	11,1	206,2	8,6	12,6	146,5
Сурхондарё вилояти	3,0	10,4	345,6	3,5	6,5	186,3	6,7	10,7	159,1
Сирдарё вилояти	5,1	11,6	226,6	5,6	12,3	220,3	7,6	9,5	125,3
Тошкент вилояти*	14,9	22,4	150,5	22,1	27,6	125,0	16,8	20,2	120,5
Фарғона вилояти	4,8	13,5	279,8	4,5	7,8	174,2	7,4	12,1	164,8
Хоразм вилояти	5,9	9,2	156,5	3,2	7,8	241,1	3,7	11,2	302,0
Ўзбекистон Республикаси	13,3	17,8	134,0	6,9	12,0	172,7	9,8	14,1	144,2

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси таҳлил даврида ўсган. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш улуши Самарқанд (30,2%), Тошкент вилояти (Тошкент шаҳри билан)да (22,4%), Қашқадарё (20,6%), Наманган (19,8%) вилоятларида бирмунча юқоридир. Аммо бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах ва Навоий нисбатан анча пастдир.

Гўшти қайта ишлаш улуши Тошкент ва Андижон вилоятларида кузатилади. Сутни қайта ишлаш улуши эса Наманган ва Тошкент вилоятларида бирмунча юқоридир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси мамлакатимизда анча паст бўлиб, бу борада муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу муаммолар қайта ишлаш тармоқлари корхоналари сонининг камлиги, уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг анча эскирганлиги, қайта ишлаш корхоналарининг республика ҳудудлари бўйлаб нотекис жойлаштирилганли билан боғлиқдир.

Эндиликда бу муаммоларни ҳал этиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари сонини барча ҳудудларда кўпайтириш, мавжудларини модернизация қилиш, янги техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш асосида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этишни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги дастурни амалга ошириш мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмининг йиллик 340 минг тоннага, совутгичли сиғимлар ҳажмининг 164,9 минг тоннага, тара-қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 32,4 миллион донага ошишига олиб келди. Натижада, 2019 йилда республикада ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмига нисбатан қайта ишлашнинг улуши 24 фоизни ташкил этиб, 4,6 мингта янги иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигида

озик-овқат маҳсулотлари хом ашёсини ишлаб чиқариш ўртача 1,4 баробарга, жумладан мева-сабзавот ва узум – 1,4 баробарга, гўшт – 1,3 баробарга, сут – 1,5 баробарга кўпаяди[15].

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 2,3 баробарга, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 2 баробарга ошиши таъминланади. Шу билан бирга, маркетинг бўйича изланишларни кенгайтириш, маҳсулотларни замонавий илғор технологиялар асосида қадоклаш ҳамда ишлаб чиқаришда ISO 9001, 22000 халқаро стандартларини жорий этиш эвазига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш қатъий белгиланган чора-тадбирлар асосида амалга ошириб борилади.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаб, замонавий иқтисодиётда озиқ-овқатни баратараф этишда куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– мамлакат худудлари ўртасида уларнинг табиий, демографик, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштириш ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган инновацион-интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш;

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва шу орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, миллий маҳсулотларнинг импорт товарларга бўлган нарх ва сифат устунликларини сақлаш;

– инновацион технологияни қишлоқ хўжалик тармоғига татбиқ этишда янги техника ва технологияларни жорий этиш учун унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини аниқлаш ҳамда янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш учун техник чора-тадбирларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш;

– агрокластерлар орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш – сотиш технологик жараёнларини ягона интеграцион тизимга бирлаштириш орқали маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини назорат қилиш ҳамда оширишдан томонларнинг манфаатдорлигини таъминлаш;

– ташқи савдо сиёсатида, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ва импорти ҳажмлари ўртасида ижобий балансни таъминлаш бошқа стратегик секторлардаги каби бир томондан, мамлакатнинг ташқи босимларга бардошлилигини оширади, иккинчи томондан, ноқулай бозор конъюнктураси шароитида ҳам мамлакат ўзининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги салоҳиятини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>.

2. Серова Е.В. К вопросу о продовольственной безопасности. – <http://www.iet.ru/>; Балабанов В.С., Борисенко Е.Н. Продовольственной безопасности: международные и внутренние аспекты. – М.: Экономика, 2002. – С. 22.; Безопасность России. Раздел 2 / Фролов К.В., Гордеев А.В., Масленникова О.А. и др. – М.: Знание, 2001. С. 101.; Продовольственной безопасности России: проблемы и перспективы / Анфиногентова А.А., Ермолаева О.В., Киреева Н.А. и др.; под ред. Анфиногентовой А.А. – Саратов: Издательство Саратовского государственного аграрного университета, 2004. – С. 14.;

3. Кудряшова А.А., Пресняковалар О.П. Продовольственной безопасности: показатели, критерии, категории и масштабы. // Ж. Пищевая промышленность. – М.: 2007. № 8. С. 18-21.; Каламбет А. О продовольственной безопасности России. - <http://www.armiavn.ru/>; Ленчевский И.Ю. О некоторых аспектах продовольственной безопасности // Ж. Достижение науки и техники АПК. – М. 2003. №1. С. 6-9.

4. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. - Т.,”Fan va texnologia”, 2015.

5. Conway G., Barber E. After the Green Revolution. Sustainable Agriculture for Development. - London. 1990. – 60 p.

6. Ревенко Л.С. Мировой рынок продовольствия в эпоху «генной» революции. М.: Экономика, 2003.-С. 68-69.

7. Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингида дунёда 64-ўринни эгаллади. <https://daryo.uz/k/2018/04/30/uzbekiston-oziq-ovqat-xavfsizligi-reytingida-dunyoda-64-orinni-egalladi>.

8. Каримов Ҳ. Озиқ-овқат саноати: кеча ва бугун//<http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/46994-oziq-ovqat-sanoati-kecha-va-bugun> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

9. Ўзбекистон ЯИМ 2018 йилда 407,5 трлн сўмни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига ЯИМ - 12,3 млн сўм. <https://kun.uz/news/2019/01/23/uzbekiston-yaim-2018-yilda-4075-trln-somni-tashkil-qildi-aholi-jon-boshiga-yaim-123-mln-som>.

10. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010гг) и прогноз на 2011-2015гг. Статсборник.-Т: Узбекистан, 2011.-с.36; Статический ежегодник Узбекистана за 2008г.-Т.,2009.-с 216; Альманах Узбекистан 2017год.-Т., ЦЭИ, 2017.- с.26. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

11. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2015 йил. –Т., 2015.-209-210-бетлар, Ўзбекистон рақамларда 2016 йил. –Т., 2016 . -114-бет; Социально-экономическое положение республики Узбекистан за январь-

декабрь 2017год.-Т., 2018.- с.42 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

12. Социально-экономическое положение республики Узбекистан за январь-декабрь 2017год.-Т., 2018.-с.42.

13. Альманах Узбекистана 2013 год. Ташкент, 2013.- С.94; Ўзбекистон рақамларда 2016 йил. - Т., 2016.-126-127-бетлар; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016 йиллар.-Т., 2017.-125-126-бетлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

14. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

15. Иқтисодиёт вазирлиги: 2019 йилда қишлоқ хўжалигида 4,6 минг янги иш ўрни яратилади. <https://kun.uz/26513251>.